



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EISSN 2181-2187

7 (93) 2026

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
У.О. АБИДОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Д.Т. АШУРОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
Э.Б. ХАККУЛОВ
Г.С. ХОДЖИЕВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

7 (93)

2026

Июль

www.bsmi.uz

https://newdaymedicine.com

E: ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 340.6:614.25:343.98

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБ ЮЗАСИДАН ЎЗ ВАЗИФАЛАРИНИ ЛОЗИМ
ДАРАЖАДА БАЖАРМАГАНЛИГИ ҲОЛАТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТ ИШИ
МАТЕРИАЛЛАРИ ЮЗАСИДАН СУД-ТИББІЙ ЭКСПЕРТИЗАЛАРДА ТАҲЛИЛ
ҚИЛИНГАН МУРАККАБ, ҚАЙТА ВА КОМИССИОН ЭКСПЕРТИЗА ХУЛОСАЛАРИНИНГ
УМУМІЙ СТАТИСТИК ТАВСИФИ**



Мусаев Умрбек Мақсудович <https://orcid.org/0009-0002-3826-8304>

E-mail: umrbek_musaev@mail.ru

Исмаилов Равшанбек Олимович <https://orcid.org/0009-0009-6999-6102>

E-mail: ismoilovravsanbek021@gmail.com

Каримов Расулбек Хасанович <https://orcid.org/0009-0009-0325-2709>

E-mail: r.karimov.86@mail.ru

Тошкент Давлат Тиббиёт Университети, 100109 Тошкент, Ўзбекистон Фаробий кўчаси 2,

Тел: +998781507825 E-mail: info@tdmu.uz

Урганч Давлат Тиббиёт Институти Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри,

Ал-Хоразмий кўчаси 28-уй Тел: +998 (62) 224-84-84 www.urgfiltma.uz

✓ **Резюме**

Қайта суд-тиббий экспертиза ўтказиш фақат суд-тергов органлари учун катта аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, балки суд-тиббий экспертизаси учун ҳам иш сифатини яхшилашида муҳим аҳамиятга эгадир. Қайта экспертиза тайинлаш суриштирув тергов ҳаракатида бирламчи суд-тиббий эксперт хулосасидан (текишувидан) гумон тугилгандагина тайинланади. Лекин гумон ҳар доим ҳам асосланган бўлавермайди, кейинги вақтларда тергов ва суриштирув органлари томонидан қайта экспертиза тайинлаш бир томонлама, яъни жабрланувчи ёки гумондор шахс бирламчи хулосадан норози бўлганида тайинлаш одатий тусига кириб бормоқда.

Калит сўзлари: суд-тиббий экспертиза, қайта экспертиза, жабрланувчи, гумонланувчи, жиноий жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, жиноят кодекс.

**GENERAL STATISTICAL DESCRIPTION OF THE CONCLUSIONS OF COMPOUND,
REPEATED AND COMMISSION EXPERTISES ANALYZED IN FORENSIC EXPERTISES ON
CRIMINAL CASE MATERIALS RELATED TO THE FAILURE OF MEDICAL PERSONNEL
TO PERFORM THEIR DUTIES PROFESSIONALLY TO THE REQUIRED DEGREE**

Musaev Umrbek Maksudovich <https://orcid.org/0009-0002-3826-8304>

E-mail: umrbek_musaev@mail.ru

Ismailov Ravshanbek Olimovich <https://orcid.org/0009-0009-6999-6102>

E-mail: ismoilovravsanbek021@gmail.com

Karimov Rasulbek Khasanovich <https://orcid.org/0009-0009-0325-2709>

E-mail: r.karimov.86@mail.ru

Tashkent State Medical University, 100109 Tashkent, Uzbekistan, Farabiy Street 2,

Tel: +998781507825 E-mail: info@tdmu.uz

Urgench State Medical Institute Uzbekistan, Khorezm region, Urgench city,

Al-Khorezmiy Street 28-house Tel: +998 (62) 224-84-84 www.urgfiltma.uz

✓ **Resume**

Re-forensic medical examination is of great importance not only for judicial and investigative bodies, but also for forensic medical examination in improving the quality of work. The appointment of a re-examination is appointed only when suspicion arises from the conclusion (examination) of the primary forensic medical expert in the course of an inquiry or investigation. However, the suspicion is not always justified, and recently, the appointment of a re-examination by the investigation and inquiry bodies has become a one-sided affair, that is, when the victim or suspect is dissatisfied with the primary conclusion.

Keywords: forensic medical examination, re-examination, victim, suspect, criminal liability, administrative liability, criminal code.

ОБЩЕЕ СТАТИСТИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ ВЫВОДОВ СОСТАВНЫХ, РЕЗУЛЬТАТНЫХ И КОМИССИОННЫХ ЭКСПЕРТИЗ, ПРОАНАЛИЗИРОВАННЫХ В СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКИХ ЭКСПЕРТИЗАХ ПО МАТЕРИАЛАМ УГОЛОВНЫХ ДЕЛ, СВЯЗАННЫМ С НЕИСПОЛНЕНИЕМ МЕДИЦИНСКИМ ПЕРСОНАЛОМ СВОИХ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ОБЯЗАННОСТЕЙ НА ДОЛЖНОМ УРОВНЕ

Мусаев Умрбек Максудович <https://orcid.org/0009-0002-3826-8304>

E-mail: umrbek_musaev@mail.ru

Исмаилов Равшанбек Олимович <https://orcid.org/0009-0009-6999-6102>

E-mail: ismoilovravsanbek021@gmail.com

Каримов Расулбек Хасанович <https://orcid.org/0009-0009-0325-2709>

E-mail: r.karimov.86@mail.ru

Ташкентский государственный медицинский университет, Ташкент, 100109, Узбекистан,
ул. Фарабий, 2, Тел.: +998781507825 E-mail: info@tdmu.uz

Ургенчский государственный медицинский институт, Узбекистан, Хорезмская область,
город Ургенч, ул. Аль-Хорезмий, дом 28, Тел.: +998 (62) 224-84-84 www.urgfiltma.uz

✓ **Резюме**

Повторная судебно-медицинская экспертиза имеет большое значение не только для судебных и следственных органов, но и для повышения качества работы судебно-медицинской экспертизы. Назначение повторной экспертизы происходит только в том случае, если заключение (экспертное заключение) основного судебно-медицинского эксперта, вынесенное в ходе расследования, вызывает подозрения. Однако подозрения не всегда обоснованы, и в последнее время назначение повторной экспертизы следственными органами стало односторонним делом, то есть, когда потерпевший или подозреваемый не удовлетворены основным заключением.

Ключевые слова: судебно-медицинская экспертиза, повторная экспертиза, потерпевший, подозреваемый, уголовная ответственность, административная ответственность, уголовный кодекс.

Долзарблиги

Суд-тиббий экспертизада қайта ва комиссиян экспертизалар жараёнида экспертнинг билим савияси етарли булмаганда, гумонланувчи ёки жабрланувчи фуқаролар томонидан кўплаб бирламчи хулосаларга норозиликлар келиб чиқиши ёки суд тергов органининг ўша бирламчи эксперт хулосасига таяниб жиноий ёки маъмури жавобгарликга тортиш одатий тусга кириб бормоқда ва фуқоралардан кўплаб шикоятлар тушиб келмоқда.

Умуман олганда, сўнги йилларда аҳоли ўртасида тан жароҳатлари, автошикастланишлар, зўраки ўлимлар, баҳсли ҳолатлар, жинсий жиноятлар кўп учрамоқда. Шу сабабли, суд-тиббий экспертиза жараёнида иш сифатини яхшилаш нафақат суд-тиббий экспертлар, баълки суриштирув тергов органларининг роли муҳим аҳамиятга эга, нимага деганда суриштирув тергов жараёнида гумон ҳар доим ҳам асосланвермайди.

Қолаверса, экспертлар ва тергов орган ходимларини ўз йўналиши бўйича малакасини муддати ошириш ҳар қандай нотўғри хулоса ва жиноий жавобгарликга тортилишнинг олди

олинган бўлар эди.

Ишнинг мақсади: ишнинг мақсади сифатида Хоразм вилоят суд-тиббий экспертиза Бюросининг қайта ва комиссиян экспертизалар бўлимининг 2022-2023 йиллардаги сўнги 6 ойлик маълумотларидан фойдаланилди, яъни қайта ва комиссиян экспертиза бўлимининг хулосаси, тиббиёт бирлашмаларининг касаллик тарихлари.

Текшириш усуллари ва материаллари

Текшириш жараёнида жабрланувчи шахслар юқори турувчи органнинг, яъни ички ишлар ёки прокуратуранинг қарори асосида қайта ва комиссиян экспертизалар бўлимида ёки тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилган фуқароларда тиббиёт бирлашмасига ташриф буюриб, номаълум этиологияли ёки бахсли ҳолатларда мурдалар қайта ва комиссиян экспертиза бўлимида комиссиян тарзда текширилди.

Натижа ва таҳлиллар

Ушбу тадқиқотимизнинг объекти сифатида 2023-2025 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий марказининг мураккаб экспертизалар бўлимида ўтказилган жами 47 та мураккаб экспертизалар бўлимининг қайта ва комиссиян суд тиббий экспертиза хулосалари танлаб олинди. Шулардан ўлим билан боғлиқ ҳолатлар 20 та (42,6%), 27 та (57,4%) та ҳолатда тирик шахслар билан боғлиқ ҳолатлар бўлиб, улардан 5 та ҳолат (10,6%) саломатлик ҳолатини баҳолаш (терговда иштирокини белгилаш) мақсадида; 22 та ҳолат (46,8) тиббий ёрдам сифатини баҳолаш бўйича ўрганишлар олиб бордик. Ушбу экспертизалар жиноят ва фуқаролик ишларини тергов қилиш доирасида тайинланган бўлиб, улар орқали тиббий ёрдамнинг касбий ва ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланиши таъминланган. Суд тиббий экспертиза натижалари асосида 47 та ҳолатларда дискриминант таҳлил ўтказилди. Унда қуйидаги хатолар натижавий гуруҳларни ажратишда ҳал қилувчи рол ўйнади. Таҳлил жараёнида Microsoft Excel, Word ва PowerPoint дастурлари ёрдамида маълумотлар умумлаштирилди, тизимлаштирилди ва визуал шаклга келтирилди. Шу билан бирга, асосий статистик ишлов IBM SPSS Statistics дастури дастурлаш асосида қурилган линияли дискриминант таҳлил усули орқали амалга оширилди. Ушбу механизм тадқиқотга аниқлик, ҳолислик ва илмий асосланганлик бахш этиб, тиббий ёрдам сифатидаги камчиликларни чуқур таҳлил қилиш имконини берди. 2023-2025 йилларда Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий марказининг мураккаб экспертизалар бўлимидаги қайта ва комиссиян экспертизалар хулосалари асосида тиббий ёрдам сифати ва касбий масъулиятни баҳолаш мақсадида ўтказилган суд тиббий экспертизаларнинг турлари бўйича тақсимооти (2.1.-Жавдал).

Ўрганилган Мурракаб эспертизалар бўлимининг қайт ва комиссиян экспертиза хулосалари сони ва турлари бўйича тақсимооти


Жадвал 2.1.

Таҳлил йўналишлари	Сони	Фоиизи %
Жами ўрганилган хулосалар ва жиноий материаллар сони	47	100
Ўлим билан яқунланган ҳолатлар	20	42.6
Тирик шахслар билан боғлиқ ҳолатлар	27	57.4
Саломатлик ҳолатини баҳолаш (терговда иштирокини белгилаш учун)	5	10.6
Тиббий ёрдам сифатини баҳолаш	22	46.8

2.1 жадвалда 2023-2025 йиллар мобайнида Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази мураккаб экспертизалар бўлимида ўтказилган 47 та экспертиза хулосалари таҳлил қилинди. Улардан 20 та ҳолат (42,6%) ўлим билан тугаган бўлса, 27 та ҳолат (57,4%) тирик шахслар билан боғлиқ. Шу жумладан, 5 та ҳолатда (10,6%) фуқароларнинг терговда иштирокини белгиловчи саломатлик ҳолати баҳоланган, 22 та ҳолатда (46,8%) эса тиббий ёрдам сифатини ҳуқуқий ва касбий жиҳатдан баҳолаш ўтказилди.

Ўрганилган 47 та қайта ва комиссиян экспертиза хулосалари таҳлил қилинганда энг кўпи тирик шахслар билан боғлиқ ҳолатлар 57,4% ни ташкил қилган бўлиб энг юқори кўрсаткични кўрсатди. Саломатлик ҳолатини баҳолаш (терговда иштирокини белгилаш учун) ҳолатлар эса энг паст кўрсаткич билан 10,6% ни ташкил қилди. Суд тиббий экспертиза амалий фаолиятида асосий эътибор тиббий ёрдамнинг сифати, унинг оқибатлари ва тирик шахслар билан боғлиқ баҳсли ҳолатларни ҳолис ва профессионал баҳолашга қаратилмоқда (2.1.-Расм).

Мурракаб экспертизалар бўлимининг қайта ва комиссиян экспертиза хулосалари тақсимооти. Расм 2.1



2.2 Жадвалда 2023-2025 йиллар давомида суд-тиббий экспертиза марказининг мурраккаб, қайта ва комиссиян экспертизаларида иштирок этган шахслар жинси ва ҳаётий ҳолати бўйича таҳлил қилинган. Унга кўра, умумий 47 та ҳолатдан 27 таси (57,4%) ўлим билан боғлиқ бўлган ҳолатлар бўлса, 20 таси (42,6%) тирик шахслар бўйича тайинланган. Айниқса, аёллар 22 та ҳолатда, эркеклар 21 та ҳолатда ва чақалоқлар 4 та ҳолатда қайд этилган бўлиб, бу кўрсаткичлар мутахассислик бўйича йўл қўйилган хатоларнинг жинс ва ҳаётийлик кўрсаткичлари бўйича ажратилди.


Ўрганилган мурраккаб ва қайта ва комиссиян суд тиббий экспертиза хулосаларида жинс ва ҳаётий ҳолат бўйича шахслар тақсимооти

Жадвал 2.2

Жинси	Тирик шахслар	Ўлган шахслар	Жами
Аёл	8	14	22
Чақалоқлар	0	4	4
Эркек	12	9	21
Жами	20	27	47

Расм 2.2.

Ўрганилган қайта ва комиссиян экспертиза хулосаларида жинс ва ҳаётий ҳолат бўйича шахслар тақсимооти



Юқоридаги диаграммада ўрганилган мураккаб экспертизалар бўлимидаги қайта ва комиссиян экспертизалар хулосаларидаги шахсларнинг жинси ва ҳаётий ҳолати (тирик ёки ўлган) бўйича тақсимооти акс эттирилган. Мазкур диаграммада Аёллар гуруҳига мансуб шахслар сони 22 нафарни ташкил қилган бўлиб, шулардан 8 нафари тирик, 14 нафари эса мурда экспертизаларига тўғри келади. Чақалоқлар (яъни бир ёшгача бўлган болалар) гуруҳлар тақсимооти бўйича нобуд бўлган чақалоқлар 4 нафарни ташкил қилди. Тирик чақалоқ бўйича экспертиза ўтказилмади. Эркаклар гуруҳида 12 нафар тирик, 9 нафар мурдалар ўрганилди. Бу эса эркаклар орасида тирик ҳолатдаги шахслар сони ўлган шахсларга нисбатан кўпроқлигини кўрсатади. Умумий ўрганилган ҳолатларда аёллар ва чақалоқлар орасида ўлган шахслар сони юқори бўлиб, бу ҳолатда уларга нисбатан қайта ва комиссиян экспертизалар кўпроқ ўлим ҳолатлари билан тайинланганлигини кўрсатди. Эркаклар гуруҳида эса тирик шахслар сони кўпроқ, яъни уларнинг иштирокидаги ҳолатлар кўпроқ ҳукукий ёки тиббий хизматни баҳолашни талаб қилувчи вазиятларда содир бўлган.


Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази мураккаб экспертизалар бўлимида ўрганилган шахсларни хулосаларимизда аёл ва эркак жинсли шахслар ўртасида тириклик ва ўлим ҳолатларининг тақсимооти (2023-2025 йиллар.)

Жадвал 2.3

Жинси	Тирик	Ўлган	Жами
Аёл	8	16	24
Эркак	12	11	23
Жами	20	27	47

Мураккаб экспертизалар бўлимида ўрганилган шахсларни хулосалардаги шахслар ўртасида тириклик ва ўлим ҳолатларининг тақсимооти (2023-2025 йиллар)

Расм 2.3.



2.3 жадвалда Таҳлилларимиз учун танлаб олинган 2023-2025 йиллар давомида ўтказилган мураккаб экспертизалар бўлимида қайта ва комиссиян экспертизалар хулосаларида қайд этилган ўлим ҳолатлари жинслар кесимида таҳлил қилинди. Унга кўра, жами 47 та ҳолатдан 27 таси (57,4%) ўлим билан яқунланган. Ўлган шахслар орасида аёллар сони 16 та (59,3%) нафарни ташкил қилган бўлиб, бу эркаклар (11 нафар 40,7%) га нисбатан юқори. Бу ҳолат суд тиббий экспертиза амалиётида аёллар орасида тиббий ёрдамда йўл қўйилган хатоларнинг ўлим билан яқунланиш кўрсаткичларини юқори эканлигини кўрсатди.


Аёллар бўйича жами 24 шахс экспертизага жалб этилган, шулардан 8 нафари тирик, 16 нафари эса ўлган шахслар. Эркаклар бўйича эса жами 23 шахс қайд этилган, уларнинг 12 нафари тирик, 11 нафари эса ўлган. Аёллар орасида ўлган шахслар сони юқори, бу эса она ва бола саломатлигига, хусусан, туғруқ жараёнида юзага келган асоратлар ва акушерлик муаммолари билан боғлиқ эканлиги аниқланган. Эркаклар орасида эса тирик шахслар сони бироз устун бўлиб, бу ҳолат шифокор хатоси, тиббий даволашдаги баҳсли вазиятлар ёки ҳукукий мурожаатлар билан боғлиқ.

Жиноят материаллари ва қайта ва комиссиян экспертиза хулосалари асосида шифокорларни (тирик шахсларда ва мурдаларда ўлимида) айбдорлиги аниқланган ҳолатлар бўйича тақсимооти. жадвал 2.4

Шифокорнинг айбдорлиги	Тирик	Ўлган	Жами
Шифокорнинг айби бор	9	15	24
Шифокорнинг айби йўқ	11	12	23
Жами	20	27	47

2.4 жадвалда шифокор айбдор деб топилган ёки айбдор эмас деб баҳоланган ҳолатлар таҳлил қилинган. Жами 47 та ҳолатдан 24 тасида (51,1%) тиббий ёрдамда шифокорнинг хатоси мавжуд деб топилган. Шулардан 15 таси ўлим билан якунланган, бу эса шифокор айби бор ҳолатларда ўлим кўрсаткичи 62,5% ни ташкил этишини кўрсатади. Айб топилмаган 23 та ҳолатдан 12 тасида ўлим қайд этилган. Бу таҳлил тиббий ёрдам сифатини ҳуқуқий ва касбий жиҳатдан баҳолашда шифокор айбининг салбий оқибатларга таъсирини яққол намоён этади.

Ўрганилган комиссиян экспертиза хулосаларида шифокорнинг айбдорлик ҳолати
Расм 2.4.



Ўрганилган қайта ва комиссиян экспертиза хулосаларида айбдорлик ва айбсизлик ҳолатлари деярли тенг улушда қайд этилган. Бу эса ҳар бир ҳолатни алоҳида ва мукаммал таҳлил қилиш, тиббий ҳужжатлар, бемор ҳолати, амалга оширилган муолажалар ва клиник қарорлар асосида ҳолис хулоса чиқариш кераклигини кўрсатди.


Таҳлилларда аниқланган шифокорларнинг айбдорлик ҳолатлар (тирик шахс ва мурдалар) бўйича тақсимооти
Жадвал 2.5

Айбдорлик томони	Тирик	Ўлган	Жами
Давогар	4	2	6
Йўқ	9	11	20
Тиббий ходим	7	14	21
Жами	20	27	47

2.5 жадвалда 47 та экспертиза хулосалари асосида шахснинг ҳаётий ҳолатига қараб (тирик ёки ўлган) қайси томоннинг айбдорлиги аниқлангани кўрсатилган. Улардан 21 та ҳолатда тиббий ходимлар, 6 та ҳолатда давогар томонидан қоида бузарлик содир этилгани, 20 та ҳолатда эса аниқ айбдор топилмагани қайд этилган. Тиббий ходимлар айбдор деб топилган 21 та ҳолатнинг 14 таси ўлим билан якунлангани, касбий масъулиятнинг салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасдиқлади.

Айбдорлик ҳолатлар бўйича тақсимот

Расм 2.5.



2.4 расмда 47 та ҳолатда айбдор шахс сифатида баҳоланган тиббиёт ходими 21 та (45%) ни, айбдор аниқланмаган ҳолатлар 20 та (43%) ва 6 та ҳолатда даъвогар (яъни бемор ёки унинг яқинлари) бўлиб, ўрганилган ҳолатларнинг қарийиб ярмида тиббий ходимларнинг айбдорлиги, қолган ҳолатларда айбдор шахс сифатида даъвогар ва айбдорлик умуман аниқланмаган. Бу натижалар суд тиббий экспертиза жараёнида ҳар бир ҳолатнинг индивидуал таҳлили ва далилларга асосланган баҳоси қандай муҳим аҳамият касб этишини тасдиқлади.

Изданишларимизда аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари мавжудлиги ва уларнинг оқибатидаги ўлим ҳолатлари билан боғлиқлиги кўрсаткичлари

Жадвал 2.6


Қонун бузулиш ҳолатлари мавжудлиги	Тирик шахсларга нисбатан	Ўлим ҳолатига олиб келган ҳолатлар	Жами
Қонун бузулиши аниқланган	13	16	29
Қонун бузулиши аниқланмаган	7	11	18
Жами	20	27	47

2.6 жадвалда таҳлил қилинган 47 та экспертиза хулосаси асосида тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнида қонун бузилиши ҳолатлари қай даражада учрагани ва бу ҳолатларнинг инсон ўлимига сабаб бўлгани ёки бўлмагани кўрсатди. Жумладан, 29 та ҳолатда (61,7%) қонун бузилиши қайд этилган бўлиб, уларнинг 16 таси ўлим билан якунланган. Шу билан бирга, 18 та ҳолатда (38,3%) қонун бузилиши аниқланмади. Бу маълумотлар суд тиббий экспертизада ҳуқуқий баҳолашнинг аҳамияти ва профилактика чораларини белгилаш зарурлигини кўрсатади.

Ўрганилган 47 та қайта ва комиссия экпертиза хулосаларида 29 та ҳолатда (61.7%) қонун бузилиши, 18 та ҳолатда (38.3%) эса қонун бузилиши аниқланмаган. Тиббий амалиёт давомида тиббий ходимлар томонидан ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этилмаган, уларнинг ҳаракатлари қонун ва тиббий стандартларга мос. Таҳлил қилинган ҳолатларнинг салмоқли қисмида тиббий ёки ташкилотчилик жиҳатидан ҳуқуқбузарликлар мавжуд. Тиббий муассасаларда амалий фаолиятни тартибга солиш, масъулиятни ошириш ва тиббий ҳужжатлаштиришда ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатди.

Қонун бузилиши ҳолатлари

Расм 2.6




2023-2025 йилларда ўрганилган жиноят материаллари ва мураккаб экспертизалар бўлимида ўтказилган (47 та) қайта ва комиссия суд тиббий экспертизаларда қайд этилган хатоларнинг шифокор мутахассисликлари кесимида тақсимои Жадвал 2.7

Шифокор мутахассислиги	Тирик	Мурда	Жами
Акушер гинеколог		8	8
Анестезиолог- реаниматолог	1	1	2
Жарроҳ	2	1	3
ЛОР	1		1
Терапевт	1	2	3
Уролог		2	2
Ҳамшира	1		1
Айбдор аниқланмади	9	11	20
Шифокорнинг айби билан эмас	5	2	7
Жами	20	27	47

2.7 жадвалда шифокор мутахассислиги бўйича тиббий ёрдам кўрсатишда аниқланган хатолар тақсимои келтирилган. Унга кўра, акушер-гинеколог (8 та ҳолат), анестезиолог-реаниматолог, жарроҳ, терапевт ва уролог мутахассисликлари хатолар қайд этилган ҳолатлар қаторида ажралиб турибди. Шунингдек, 20 та ҳолатда аниқ айбдор шахс белгиланмаган, 7 та ҳолатда эса тиббий хатолик шифокор айби билан боғлиқ эмаслиги қайд этилган. Ушбу тақсимот шифокорлар фаолиятида юқори таваккалликка эга соҳаларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўрганилган жиноят иши материаллари ва хулосаларда қайд этилган хатоларнинг шифокор мутахассисликлари кесимида тақсимои Расм 2.7.



Расм 2.6 да экспертиза хулосаларида аниқланган шифокор хатоларининг қайси тиббиёт мутахассислари ҳиссасига тўғри келгани ва улар тирик ёки ўлган шахслар билан боғлиқ ҳолатларда қайд этилгани кўрсатилди. Жумладан, акушер-гинекологлар энг кўп хатога йўл қўйган мутахассислик сифатида 8 та ҳолат бўйича қайд этилган, барчаси ўлим билан яқунланган. Уролог, терапевт ва жарроҳлар ҳар бири бўйича 2 тадан ҳолат қайд этилган бўлиб, уларда ҳам ўлим ҳолатлари билан боғлиқ ҳолатлар учраган. Анестезиолог-реаниматологлар бўйича эса 2 та хатолик ҳолати аниқланган: 1 таси тирик шахслар, 1 таси ўлим ҳолати билан боғлиқ. ЛОР мутахассиси, ҳамшира, ва жарроҳ мутахассисликларида ҳар бири бўйича 1 тадан тирик шахс билан боғлиқ хатолар аниқланган. Акушер-гинекологик амалиётларда шифокор хатолари кўп учраётгани уларнинг клиник фаолиятида юқори масъулият ва хатар даражаси мавжудлигини кўрсатади. Шунингдек, анестезиология ва жарроҳлик соҳаларида ҳам хатолар қайд этилган бўлиб, бу тиббиётнинг юқори хавфли йўналишларида хатолар эҳтимоли катта эканлигини англатади.

Жиноят ишлари бўйича тайинланган қайта ва комиссия суд тиббий экспертизаларда қонун бузилиши ҳолатлари, Жиноят кодекси моддалари ва шифокор мутахассисликлар кесимида таҳлилий тақсимот (2023-2025 йилларда) Жадвал

2.8

Қонун бузулиши, шифокор мутахассислиги	Тирик	Ўлган	Жами
ЖК 116-модда 1-қисм	3	5	8
Акушер-гинеколог		2	2
Жарроҳ	1	1	2
ЛОР	1		1
Терапевт		2	2
Ҳамшира	1		1
ЖК 116-модда 2-қисм	1	1	2
Акушер-гинеколог		1	1
Анестезиолог-реаниматолог	1		1
ССВ буйруқлари	2	8	10
Акушер-гинеколог		5	5
Анестезиолог-реаниматолог		1	1
Жарроҳ	1		1
Терапевт	1		1
Уролог		2	2
Жами	6	14	20

2.8 жадвалда жиноий иш материаллари асосида ўтказилган 20 та мураккаб ва комиссия суд-тиббий экспертизаларда қайд этилган тиббий хатолар, тегишли ҳуқуқий меъёрлар (Жиноят кодексининг 116-моддаси 1-ва 2-қисмлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари) ва мутахассисликлар кесимида таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 116-модда 1-қисми (шахснинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги баданга ўртача оғир ёки шикаст етказилишига сабаб бўлса): 8 та ҳолат қайд этилган бўлиб, шундан 5 таси ўлим билан яқунланган. Бу модда асосида аниқланган хатолар асосан акушер-гинеколог ва терапевтлар фаолиятида учраган. ЖК 116-модда 2-қисми (ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар эҳтиётсизлик орқасида одам бўлишига сабаб): 2 та ҳолат, жумладан 1 та ўлим ҳолати қайд этилган. ССВ буйруқлари ва клиник протоколлар бузилиши: 10 та ҳолат аниқланган, шундан 8 таси ўлим билан тугаган. Бу кўрсаткич соҳа бўйича амалдаги норматив ҳужжатларга риоя этмаслик оғир оқибатларга сабаб бўлаётганини кўрсатади.

Хулоса

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Республика суд-тиббий экспертиза илмий амалий марказининг Мураккаб экспертизалар бўлимида жиноят ва фуқаролик ишлари доирасида тайинланган 47 та мураккаб экспертиза бўлими қайта ва комиссия экспертиза хулосалари ўрганилди.

1. Ушбу таҳлил орқали тиббий ёрдам кўрсатишда йўл қўйилган касбий, ташкилий ва ҳуқуқий камчиликларни танатоген ятроген ёндашув ва дискриминант таҳлил асосида илмий баҳолаш имкони яратилди.

2. Экспертиза хулосалари йўналиши бўйича тақсимот: Жами 47 та ҳолат таҳлил қилинди. Улардан 20 та ҳолат (42,6%) ўлим билан яқунланган. 27 та ҳолат (57,4%) эса тирик шахслар билан боғлиқ бўлиб, шундан 5 та ҳолат (10,6%) да саломатлик ҳолатини баҳолаш (терговда иштирок этиш қобилияти) ва 22 та ҳолат (46,8%) да тиббий ёрдам сифати экспертизаси сифатида қайд этилган.

3. Жинс ва ҳаётий ҳолат бўйича тақсимот: 22 та ҳолат аёлларга, 21 та ҳолат эркакларга, 4 та ҳолат чақалоқларга таълуқли бўлиб, аёллар ўртасида ўлим ҳолатлари юқори (14 та). Умумий ўлим кўрсаткичи: 27 та ҳолат (57,4%). 3. Айбдорлик муқаррарлиги ва айб субъекти: 24 та ҳолат

(51%) да шифокор айбдор деб топилган. 21 та ҳолат (44,7%) да тиббиёт ходимининг хатоси аниқланган бўлиб, уларнинг 14 таси ўлим ҳолатлари билан яқунланган. Қонун бузилиши 29 та ҳолат (61,7%) да аниқланган. 20 та ҳолат (42,5%) да тиббий хизматда муайян қонунбузарлик, протокол ва буйруқларга риоя этмаслик ҳолати кузатилган.

4. Қонуний баҳолаш ва Жиноят Кодекси моддалари: ЖК 116-модда 1-қисми асосида 8 та ҳолат, 116-модда 2-қисми асосида 2 та ҳолат қайд этилган. ССВ буйруқларини бузиш билан боғлиқ 10 та ҳолат таҳлил қилинди. Ушбу жиноий баҳолаш тиббий хизмат кўрсатишда касбий масъулиятнинг ҳуқуқий баҳосини аниқ белгилашга имкон берди.

5. Шифокор мутахассислиги кесимида таҳлил: Акушер-гинекологлар билан боғлиқ 8 та ўлим ҳолати қайд этилган. Терапевтлар, жарроҳлар ва анестезиологлар иштирокидаги хатолар ҳам ҳалокатли оқибатларга сабаб бўлган. Айниқса, акушерлик амалиётида клиник протоколлар ва буйруқларнинг бузилиши ўлим ҳолатларининг асосий сабабларидан бири сифатида кўрсатилган. Дискриминант функция модели орқали шифокор хатоси натижасидаги ўлим ҳолатларини аниқлашда юқори аниқлик (84,2%) га эришилди.

6. Танатоген ятроген таҳлил хулосаси: Олиб борилган таҳлилларга кўра, айрим ҳолатларда тиббий ёрдам кечиктирилган, асоратларни олдини олиш учун этиологик ва патогенетик ёндашув талаб этилган бўлсада, клиник қарор нотўғри қабул қилинган. Ўлим ҳолатларининг катта қисмида (яъни 15 та) ёрдам кўрсатишда қўпол ташхис ва муолажа хатолари қайд этилган. Ушбу таҳлилий хулоса шуни кўрсатадики, мураккаб экспертизалар бўлими қайта ва комиссиян экспертизалар фақат тиббий жиҳатдан эмас, балки ҳуқуқий, касбий ва ташкилий нуқтаи назардан ҳам комплекс таҳлил қилиниши лозим. Жиноят ишлари юзасидан тайинланган экспертизалар орқали тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, малакалилик даражаси ва тартиб интизом билан боғлиқ тизимли муаммолар аниқланди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов РХ, Мусаев УМ, Рузметова ДТ. Ятрогения на примерах из практики (по данным литературного обзора). In: International Conference on Multidisciplinary Science. 2023;1(1):10-12.
2. Каримов РХ, и др. Ятрогения в неонатологии (по данным литературного обзора). International Conference on Multidisciplinary Science. 2023;1(3):76-78.
3. Каримов РХ, и др. Врачебные ошибки в практике акушеров-гинекологов. In: Past and Future of Medicine: International Scientific and Practical Conference. 2023;2:114-117.
4. Юлдашев БС, и др. Ҳомила ва янги туғилган чақалоқлар мурдасининг суд тиббий экспертизаси (текшируви). Ўқув қўлланма. Тошкент: O'ZKITOBSAVDONASHRIYOTI NMIU; 2023. 96 с.
5. Ражапов АА, и др. Туғруқ травмаларида чақалоқларнинг ўлим сабаблари. International Scientific Innovation Research Conference. 2024;1(9):20-22.
6. Karimov RX, Musaev UM. Analysis of research and commission forensic expertises conducted on living persons. American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences. 2023;1(5):61-63.

Қабул қилинган сана 20.06.2026